

Тазкия дарслари (218-дарс) Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир

ТАЗКИЯ
218-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 18.02.2023 1255

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

الْبِرِّ وَلَكِنَّ وَالْمَغْرِبِ الْمَشْرِقِ قَبْلَ وَجُوهِكُمْ تُوَلُّوْا أَنْ الْبِرِّ لَيْسَ

وَالْكِتَابِ وَالْمَلَيْكَةِ الْآخِرِ وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ ءَامَنَ مَنْ

وَأَيْتَمَى الْقُرْبَىٰ ذَوِي حُبِّهِ عَلَىٰ الْمَالِ وَءَاتَىٰ وَالنَّبِيْنَ

وَأَقَامَ الرِّقَابَ وَفِي السَّيْلِ السَّبِيلِ وَأَبْنِ الْمَسْكِيْنَ

عَهْدُوا إِذَا بَعَثْتَهُمْ وَالْمُؤْفُوقِ الزَّكَاةَ وَءَاتَى الصَّلَاةَ

الَّذِينَ أَوْلَيْتَكَ الْبَأْسَ وَحِينَ الضَّرَّاءِ الْبَأْسَاءِ فِي الصَّابِرِينَ

الْمُنْقُونَ هُمْ وَأَوْلَيْتَكَ صَدَقُوا



«Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизгина эмас. Лекин яхшилик - Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, набийларга иймон келтирган ва молини яхши кўра туриб, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўқсил йўловчига, тиланчиларга ва қул озод қилишга берган ҳамда намозни тўқис адо этган, закотни берган киши ҳамда аҳд қилганда аҳдига вафо

қилувчилар, йўқчилик, қийинчилик ва шиддат вақтида сабр қиладиганларникидир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина тақводорлардир», деган *(Бақара сураси, 177-оят).*

Ўтган азизларимиздан Суфён Саврий ушбу оятни ўқиб туриб:

«Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир», деганлар.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи: «Ким шу оят билан сифатланса, Исломнинг барча соҳаларига кириб, яхшиликнинг бошидан тутган бўлади», деганлар.

Аллоҳ таоло Хужурот сурасида бундай деб марҳамат қилган...

Аллоҳ таоло яна шундай деб марҳамат қилади:

الصَّٰدِقِیْنَ مَعَ وَكُونُوا لِلّٰهِ اتَّقُوا ءَامِنُوا الَّذِیْنَ یَتَأْمِنُهَا



«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва содиқлар ила бирга бўлинглар» *(Тавба сураси, 119-оят).*

Сўзларида, ишларида, ниятларида ва иймонларида садоқатли эркак-аёллар содиқлардир. Сўзда садоқатли бўлиш – рост сўзлаш, ёлғон гапирмасликдир. Содиқлик гўзал сифат бўлиб, ҳар бир эркак-аёл учун олий фазилатлардан бўлиб келган. Содиқлик иймоннинг аломатидир. Ким содиқ

бўлса, нажотга эришади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики:

عَلَيْهِمُ اللَّهُ أَنْعَمَ الَّذِينَ مَعَ فَأُولَئِكَ وَالرَّسُولَ اللَّهُ يُطِيعُ وَمَنْ

وَحَسُنَ وَالصَّالِحِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصِّدِّيقِينَ النَّبِيِّنَ مَنْ

وَكَفَى اللَّهُ مِنَ الْفَضْلِ ذَلِكَ ﴿٦٩﴾ رَفِيقًا أُولَئِكَ

عَلِيمًا بِاللَّهِ ﴿٧٠﴾

«Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъматлантирган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва улар қандай ҳам яхши рафиқлардир! Бу Аллоҳдан бўлган фазлдир ва ўта билувчиликда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур» (Нисо сураси, 69-70-оятлар).

Ушбу оятни ўқиган ҳар бир кишининг қалбида Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш истаги туғилиши ва кучайиши турган гап. Чунки ўзини билган, эси бор ҳар бир одам учун набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва омма мусулмонлар ичидан етишиб чиққан солиҳлар (яхши ишлари ила машҳур бўлган кишилар) билан бирга бўлишдан ортиқ бахт йўқ! Бу бирлик, албатта, жаннатда бўлади.

Жаннатдаги мақомларда эса мазкур бахтиёр тоифаларнинг мақоми энг юксак мақомлардир. Бу дунёда баъзи бир солиҳлар билан бир марта кўришиб қўйган, бирорта мажлисда бирга бўлган кишилар бу нарсани умр бўйи эслаб, фахрланиб юрадилар. Бу оятда зикр қилинаётган биргалик эса у дунёда, бир эмас, барча набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва аҳли солиҳлар билан абадий бўлади.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

مِنْ تَجْرَى جَنَّتْ لَهُمْ صِدْقُهُمُ الصَّادِقِينَ يَنْفَعُ يَوْمَ هَذَا اللَّهُ قَالَ

ذَلِكَ عَنْهُ وَرَضُوا عَنْهُمْ اللَّهُ رَضِيَ أَبَدًا فِيهَا خَالِدِينَ الْأَنْهَارِ تَحْتَهَا

الْعَظِيمُ الْفَوْزُ ١١٩

«Аллоҳ: «Бу - ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун. Уларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор, уларда мангу қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Ана ўша буюк ютуқдир», деди», деган (119-оят).

Оятдаги «ростгўйлар»дан мурод иймони содиқлардир. «Кун»дан мурод эса қиёмат кунидир.

«Бу - ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун».

Аллоҳ таолонинг таъкидлашича, қиёмат куни иймонлиларга иймонлари манфаат беради. Мазкур манфаат қуйидаги шаклда зоҳир бўлади.

«Уларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор, уларда мангу қолувчидирлар».

Яъни қиёмат куни иймонлиларга дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Улар мазкур жаннатларда абадий қолурлар.

«Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлдилар. Ана ўша буюк ютуқдир».

Бундай бўлишида ҳеч шубҳа йўқ.

نَا هُنَّ عُلَلِا يَضْرَهُلَلِا دُبَعٌ نَع
هَيْلَعٌ هَلَلِا يَلَصَهُلَلِا لُوسَر
قِدِّصَلِا بُمُكَيْلَعِ: لَأَقَمَّ لَسَو
نِإو، رَبُّلِا يَلِا يَدَهَيَّ قِدِّصَلِا نِإف
لِأَزِي أَمَو، هُنَّجَلِا يَلِا يَدَهَيَّ رَبُّلِا
قِدِّصَلِا يَرْحَتَيَّو قُدِّصَيَّ لُجَّرَلِا

أَقِيٍّ دِصِّ هَلْ لَأْ ذَنْعَ بَتُّ كُيِّ يُّتَحِ
بِذَكُّ لَأْ نِإْفِ ، بِذَكُّ لَأْ أَوْ مُكَّيِّ أَوْ
رُجُّ فُلَأْ نِإْ أَوْ ، رُجُّ فُلَأْ يَلِإِ يُّدَّهَيِّ
لُجُّ رِلَأْ لَأْ زِيِّ أَمْ وَ ، رَأْنِ لَأْ يَلِإِ يُّدَّهَيِّ
يُّتَحِ بِذَكُّ لَأْ يُّرَحَّتَيِّ وَ بِذَكُّ يُّ
هُ أَوْرِ . أَبْ أَدَّكَ هَلْ لَأْ ذَنْعَ بَتُّ كُيِّ
هُ عَ بَرَأْ لَأْ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлар ростгўйликни лозим тутинглар. Чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўйликни ишташда бардавом бўлаверса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқлардан» деб ёзилади.

Сизлар ёлғондан ҳазир бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни ишташда бардавом бўлаверса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоблардан» деб ёзилади», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Сиддиқ бўлиш катта бахт. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда сиддиқларни мадҳ этган. Каззоб бўлиш катта бадбахтлик. Аллоҳ таоло каззобларни ўз душмани деб эълон қилган.

Бас, ҳар бир мўмин-муслмон сиддиқлардан бўлишга ҳаракат қилсин ва каззоб бўлишдан ўзини сақласин.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди